




BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



4/2022
Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

4/2022



E-ISSN 2181-1466
9 772181 146004



ISSN 2181-6875
9 772181 687004

@buxdu_uz

@buxdu1

@buxdu1

www.buxdu.uz

**PUBLISHED
SINCE 2000**
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/4(92)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:
Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor
(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Rashidov O.R.

Doctor of Historical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

**SCIENTIFIC REPORTS OF
BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК
БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА**

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara
state university" is included in the list of
scientific publications recommended to
publish the main scientific results of
doctoral dissertations of the Higher
Attestation Commission under the
Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan on philology and physical and
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers, students,
scientific staff of scientific research
institutions, teachers of academic
lyceums, professional colleges, as well as
researchers in general secondary
education and various fields.*

**Founder: BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

Executive secretary:

Sayfullaeva N.Z.

**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:

Shirinova M.Sh.

Raximova S.M.

CONTENTS

EXACT AND NATURAL SCIENCES		
Safarov J. Sh., Juraeva M. M.	Investigation of the hyperbolic type integro-differential equation in a square by the fourier method	2
Элмурадова Х. Б.	Обратная задача для псевдопараболических интегро-дифференциальных уравнений	10
Nazarova S.M.	Mechanical and microaggregate composition of irrigated meadow soils of the karakul oasis	24
Turdiyev Kh. Kh., Boltaev A. A.	The problem of determining the one-dimensional kernel of the viscoelasticity system	30
Ahadov A. A.	Importance of hydrogen energy and some methods of its production	54
LINGUISTICS		
Юлдашева Д. Н.	Сукутда ички нутқнинг воқеланиши	62
Рўзиев Я. Б.	Ўзбек тилшунослигида кўчирма ва ўзлаштирма нутқнинг талқину тавсифи	68
Jurayeva Z.R.	The image of a man and a woman in russian and uzbek paroemia with a gender component	77
Rasulov Z.I.	The role of the context and situation in the formation of elliptical structures	81
Собирова З. Р.	Диалектизм ҳодисаси ва унинг инглиз тили шеваларида кўлланилиши	87
Раджабова М. А.	Ономастик бирликларнинг фразеологизмлар таркибидаги гендер хусусиятлари	92
Turdiyeva Z.T.	The influence of gender on achievement in learning english as a second language	99
Kozieva I. K.	Actual and potential indicator anthroponyms in the russian language	104
Жураев Н. Дж.	Ўзбек ва инглиз тилларидаги “тил ва нутқ” мавзуйий гуруҳидаги мақолларда синонимия, градуонимия, антонимия	112
Rahmatullayev Sh. N.	O‘zbek ertaklarida antroponimlarning lingvomadaniy asoslari	119
Ahmedov A.R., Po‘latova S. M.	Vobkent tumani shevasida so‘zning morfemik tarkibi	123
Barotova M. O.	Bosh ishtirokidagi paralingvistik vositalar xususida	128
LITERARY CRITICISM		
Temirova Dj. Kh.	The genre of “Mockery” in russian and uzbek folklore	135
Худойкулова М. А.	Мустақиллик йилларида баҳсдаги адабий-назарий муаммолар талқини	146
Jamolova Z. N., Khudoykulova M. A.	The place of the literary review in the criticism of 20 th century	151
“NAVOIY GULSHANI”		
Sayliyeva Z.R.	Ideological-artistic analysis of the 10th verse in Alisher Navoi's “Badoye ul-bidoya” collection	155
HISTORY		
Raufov I.S.	Gpp Kandym - example cooperation between Uzbekistan and Russia in the oil and gas industry	159

СУКУТДА ИЧКИ НУТҚНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Юлдашева Дилором Нигматовна

БухДУ филология факультети ўзбек тилшунослиги
ва журналистика кафедраси профессори,
педагогика фанлари номзоди
diloromxon.68@mail.ru

Аннотация. Нутқий мулоқот фикр баён қилиш жараёни бўлиб, шубҳасиз, кўп ҳолатларда лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда моддий воқеланиши билан боғлиқ. Лекин лисоний бирликларнинг воқеланиши билан боғлиқ бўлмаган мулоқот турлари ҳам оз эмас. Шунга кўра лисоний воситаларнинг моддий шаклда воқеланмаган мулоқот турлари сўзсиз мулоқот деб баҳоланади. Шундай нутқий мулоқот кўринишларидан бири сукутдир. Сукутда ички нутқнинг юзга яқин маънолари воқеланишини кузатиш мумкин.

Калит сўзлар: нутқий мулоқот, лисоний омиллар, нолисоний омиллар, вербал ва невербал, сукут

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ВНУТРЕННЕЙ РЕЧИ В МОЛЧАНИИ

Аннотация. Речевое общение представляет собой процесс выражения мыслей, который, несомненно, связан с материальной реализацией языковых возможностей в письменной или устной форме во многих случаях. Но также существует множество видов общения, не связанных с возникновением языковых единиц. Соответственно, виды общения, не овециствованные средствами языка, оцениваются как невербальное общение. Одной из таких форм речевого общения является молчание. Около сотни значений внутренней речи можно наблюдать в тишине.

Ключевые слова: речевое общение, языковые факторы, невербальные факторы, вербальные и невербальные, молчание

THE ORIGINATION OF INTERNAL SPEECH IN SILENCE

Annotation. Verbal communication is a process of expressing thoughts, which, of course, is associated with the material realization of linguistic possibilities in written or oral form in many cases. But there are also many types of communication that are not related to the emergence of language units. Accordingly, types of communication that are not materialized by means of language are evaluated as non-verbal communication. Silence is one such form of verbal communication. About a hundred meanings of inner speech can be observed in silence.

Keywords: verbal communication, language factors, non-verbal factors, verbal and non-verbal, silence

Кириш. Ҳар бир давр илм-фанининг ўзига хос тадқиқ объекти ва таҳлил усуллари бор. Ўзбек тилшунослигида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асари яратилган даврдан бошлаб темурийлар ҳукмронлиги пайтида мир Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул луғатайн»; Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тароқима», Муниснинг «Саводи таълим», XX аср бошларида жадид намояндалари А.Фитратнинг «Сарф», «Наҳв» асарлари; М.Бехбудийнинг «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи, Элбек, Ботуларнинг тил луғатлари; XX асрнинг 40-йилларида профессор Айюб Ғуломов раҳбарлигида шаклланиб 70-йилларда ўз тақомилни топган анъанавий тилшунослик нутқий босқич ҳодисалари тадқиқи билан шуғулланди.

Ўтган асрнинг 70-90-йилларида тилшуносликка онд субстанциал тадқиқотлар марказида *тил-лисон-нутқ трихотомияси* турганлигига гувоҳ бўламиз. Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқни ўз эгаси билан бирга ўрганиш, тил ҳодисаларига шахс нутқи орқали кириб бориш масаласига кенг эътибор қаратилмоқдаки, ҳозирда ўзбек тилшунослиги ҳам шу таҳлил намуналари асосида иш кўришни бошлади. Бозор иқтисодиёти талаблари асосида нутқнинг лисоний имкониятлардан фойдаланиш жараёнида инсоний фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш, сўз таъсирчанлигини ошириш йўллари излаш ва уни амалиётга татбиқ этишга эътиборнинг кучайиши табиий, албатта.

Асосий қисм. Субстанциал тилшунослик ўзаро ўхшаш, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар сирасини ажратди, ахборот қиймати, лисоний тизимдаги мавқен, бажарадиган вазифаси бир хил ёки ўзаро яқин бўлган ҳодисаларни лисоний парадигмаларга бирлаштирди, синтагматик қаторларни эътироф этди, иерархик муносабатлар тизимида ассоциативликни аниқлади. Тил тизимида бир ҳодиса учун бир неча бирликнинг мавжудлиги унинг имконият эканлигини асослайдики, бу бирликлар, албатта, қайсидир жиҳати билан умумий ўхшашлик ҳосил қилиши билан бирга, қайси жиҳати билан бир-биридан фарқланади. Бу парадигматик муносабатларнинг юзага келишида зарурий шарт бўлиб қолаверади. Баъзан айтилган фарқлар лисоний тизим, лисоний маъно, лисоний қиймат билан алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин. Зеро, маълум бир ахборотни тингловчига етказиш учун “муайян ҳолатда” тил тизимида мавжуд бўлган бир неча тенг қийматли ҳодисалардан, одатда, айнан “биттаси”дан фойдаланилади ва кўп ҳолларда нега айнан тенг қийматли лисоний бирликларнинг “шуниси” қўлланилди, деган саволга лисоний тизим жавоб бера олмайди. Бу нолисоний омиллар – нутқ шароити, воситаси, мулоқот жараёни, сўзловчи ва тингловчининг контакт ва дистант вазияти, уларнинг олдиндан таниш ёки нотанишлиги, рухий ҳолати, ўзаро муносабати, савияси, миллий-маданий дунёқараши, ёши, жинси каби жиҳатлар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ўзбек тилида мурожаат шакллари парадигматик қаторидан юзга яқин лексик бирликлар ўрин олади: [дўстим], [ошина], [ўртоқ], [азизим], [жоним], [меҳрибоним], [отахон], [онахон], [акажон], [опажон], [укажон], [бошлиқ], [бебаҳогинам], [қадрдоним], [замондош], [синфдош], [сирдошим] ва ҳ.

Ички ҳовлидан Қутлуг Нигор хоним чиқди:

– *Бобуржон, ҳаммамиз нажотни сиздан қутмоқдамиз! Дарвишона юришларни энди бас қилинг. Ҳамма сизни қувгиндаги шох деб билур, бошқа гапга ҳеч ким шионмагай. Хон кишилари ҳам сизни тахтга даъво қилиши мумкин бўлган бир шаҳзода деб излаб юрурлар. Даҳқатликлар ҳам шунча вақт бизга нону туз бердилар. Энди бу қишлоқни хавф-хатардан қутқариш ҳам сизнинг бурчингиздир, **жоним!*** (П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 157-б.)

Тоҳир унинг сариқ атлас қўйлаги устидан елкасини силаб:

– *Робиям, **жоним!** – деди. – Хайрият, ўзинг ҳам тирик экансен! Мен сени олти йил изладим, қаерларда юрдинг? Нима бўлди? Робия Фозил тархоннинг еттинчи хотини бўлиб ўтказган йилларини эслади, бирдан орқага силтаниб, Тоҳирнинг қўлларидан юлқиниб чиқди:*

–Мени қучманг, Тоҳир ога! Мен сизга муносиб эмасмен! (П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 124-б.)

Ҳар иккала мисолда ҳам нима сабабдан мурожаат бирликларидан [*жоним*] шакли қўлланилганлигини нутқий вазиятда адресат ва адресант орасидаги қавм-қариндошлик ёки интим муносабат шу бирликни тақозо этишини фақат нолисоний омилларгина изоҳлаб бера олади, ҳолос.

Нолисоний омиллар субстанциал тилшуносликнинг тадқиқ объектига киритилган эмас. Тилшуносликда гоҳ нолисоний, экстралингвистик, паралингвистик, гоҳ нолингвистик ҳодисалар сифатида баҳоланиб келган бирликлар аксарият ҳолларда коммуникация жараёнида, нутқий фаолиятда лисоний бирликлардан кўра самарадорлик, таъсирчанлик нуқтаи назаридан кўпроқ аҳамият ва қиймат касб этишини кузатамиз. Масалан,

– *Ғамхўрлигингиздан миннатдормен, ҳазрат бегим, – деди Бобур.–Фақат менинг бир андешам бор.*

– *Қандай андеша, амирзодам?*

– *Фақирни маъзур тутинг.*

Бобур сукут қилиб, ерга қаради. У гапини фақат Хадича бегимнинг ўзига айтмоқчи эканини сезган аёллар таъзим қила-қила чиқиб кетдилар. (П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 174-б.)

Шу нутқий вазиятда *сукут қилиб, ерга қарамоқ*нинг ўзи ҳар қандай лисоний бирликдан кўра қийматлироқ.

Лисоний восита ва ҳодисалар сираси субстанциал тилшунослик таянувчи диалектик категориялар негизидаги тадқиқ тамойиллари асосида етарли даражада аниқланди ва шу асосдаги тасниф ҳамда тавсифлар берилди. Ўзбек тилшунослигининг ХХІ аср бошларидан изчил таҳлилга киришган антропоцентрик йўналиш ҳозирда асосий эътиборни лисоний ва нолисоний бирликларнинг нутқий қўлланилиши ҳамда улардан самарали ва ўринли фойдалана олиш йўллари аниқлашга қаратмоқда.

Бугунги тилшуносликка оид замонавий илм-фан (антропоцентриология) фақат нутқий босқични ёки соф лисоний тизимни ўрганиш ёхуд тил ва нутқ дихотомияси тадқиқини соҳага бир томонлама ёндашиш деб ҳисоблайди ҳамда тил ва унинг нутқий воқеланишини шу тил эгасининг нутқини кузатиш, таҳлилларда шу тилда сўзлашувчиларнинг кундалик нутқий фактларига таяниш, шунингдек, таҳлил ва тадқиқда моҳиятга кишиларнинг ўзаро мулоқот табиати мақсади нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Бу борада Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучева (Новое в

зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985.), Т.Я.Андрющенко, В.И.Батов, В.П.Белянин (Общение текст высказывание. М.: Наука, 1989.), А.Вежицкая (Слова и смыслы, 1985.), Т.Г.Винокур, М.Я.Головинская, Е.И.Голанова (Русский язык в его функционировании: Коммуникативно-парагматический аспект. М.: Наука, 1993.), Г.П.Грайс (Логика и речевое общение. М.: Прогресс, 1985.), В.И.Жельвис (Эмотивный аспект речи. Ярославль: ЯРГУ, 1990.), П.В.Зернецкий (Единицы речевой деятельности в диалогическом дискурсе. Калинин, КГУ, 1987.), М.Н.Кожина (Истоки и перспективы речеведения. М.: Наука, 1987.), Г.В.Колшанский (Коммуникативная функция и структура языка. М.: Наука, 1984) каби хориж олимларининг эътиборга молик қарашлари бор. Улар томонидан нутқий фаолият муаммосига бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Аммо таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган ишларда мулоқот жараёнида яхлит бир бутунлик сифатида воқеланувчи ва лингвоэтник, лингвопсихологик, лингвоситуацион омиллар мажмуи бўлган мулоқот бирликларидан фақат оғзаки ёки ёзма нутқ шаклида воқелана оладиган соф нутқий бирликларнинг тилшуносликнинг тадқиқ бирлиги сифатида ажратиб олдилар ҳамда шу асосда тадқиқ ишларини амалга оширдилар.

Нутқ ўзига хос система бўлиб у фақат лисоний бирликларнинг ўринли ва вақтида воқеланишининг таъминлаш билан кифояланмайди. Нутқда бунёдкорлик, лисоний ҳодисаларга хос имкониятларни нолисоний бирликлар орқали ифодалаш, қўшимча қилиш, лисоний ҳодисалар сирасини тўлдиришга хизмат қила олиш каби хусусиятларга ҳам эга. Зеро, бугун ўзбек тилшунослигида нутқий жараёни тадқиқ этиш, ўрганиш *амалий тилшунослик* номи остида олиб борилмоқда. Тилшунослик прагматикаси (амалий тилшунослик) лисоний ва нолисоний бирликларининг фаолиятини ҳаётий коммуникатив жараёнларда ўрганишни тақозо этади. Тадқиқотчилар қизиқиш доирасига мулоқотнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар киради. Бундай муаммолардан бири сукутни коммуникатив ҳодиса сифатида ўрганишдир.

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, нутқий мулоқот(русча: “речевое общение”, инглизча: “дискурс”)нинг таркиби, аввало, икки қисмга ажратилиши керак. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин (Қаранг: 1-чизма):

1-чизма



Нутқ таркибининг лисоний омиллари деганда фонема, морфема, лексема, фразема, сўз бирикмаси ва гап қолипларининг нутқий воқеланишлари назарда тутилса, нолисоний омиллар деганда имо-ишоралар, маъно ифодаловчи турли ҳаракатлар, белги(рамз)лар, оҳанг, сукут кабилар назарда тутилади. Зеро, нутқни жараён сифатида ўрганиш фақат мулоқот (сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро ахборот алмашиш, саволга яраша жавоб бериш) ҳолатидагина тадқиқ этилиши, шу жараёндагина лисоний ва нолисоний омилларнинг воқеланиши хусусида мулоҳаза юритиш мумкин. Демак, нутқий мулоқот мазмунан миллий, маданий, маърифий, маърифий, этнографик, тарихий, этик, эстетик, психологик, фалсафий, ҳуқуқий жиҳатларни ифодаловчи, шаклан ички ва ташқи омилларга таянувчи лисоний ва нолисоний омилларнинг мураккаб системасидир.

Нутқий мулоқотнинг нолисоний омиллари (имо-ишоралар, маъно ифодаловчи турли ҳаракатлар, оҳанг, сукут) баъзан нутқий жараённинг таъсирчанлигини оширишда лисоний омилларга ҳамроҳ вазифасини бажаради (масалан, “Ассалому алайкум” деган каломга қўшимча тарзда қўлини кўксига қўйиш, “Хайр” деганда қўл силкаб қўйиш ва х.), баъзан эса нутқий жараён тўлалигича соф

нолсоний омиллардан иборат бўлади (масалан, “*Айвонда атрофни қузатиб турган Хусайн Бойқаро сарой ҳовлисига кириб келаётган мир Алишер Навоийга кўзи тушди. Мир Алишер Навоий тўхтади, шоҳ томонга қараб енгил таъзим қилди. Бошини биров эгилишига мос тарзда кўзларини юмиб очган шоҳ ўнг қўлини боши устига қўйди. Унга жавобан вазир оғзини ярим очиб кўрсаткич бармоғи билан тилига ишора қилди. Хусайн Бойқаро “тушунарли” дегандек бош ирғади ва ичкарига кириб кетди.*” Бу ўринда шоҳ вазирдан имо-ишора орқали “Бошга келадиган бунча ташвишларнинг сабаби нима?” деб сўради. Доно вазир эса “Бошга келар балоларнинг асосий сабабчиси – тил”, дея жавоб қайтарди.

Сукротдан “Дунёда энг қийин ва оғир иш нима?” деб сўраганларида олим: “Сўзлаш”, деб жавоб берган экан. Сўзловчи нимани кимга қандай айтиш кераклигини ҳисобга олиши зарур, акс ҳолда ўз бошига ўзи ташвиш келтириши бор гап.).

Фикр баён қилиш жараёни, шубҳасиз, кўп ҳолатларда лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда моддий воқеланиши билан боғлиқ. Лекин лисоний бирликларнинг воқеланиши билан боғлиқ бўлмаган мулоқот турлари ҳам оз эмас. Шунга кўра, лисоний воситаларнинг моддий шаклда воқеланмаган мулоқот турлари нутқсиз мулоқот деб баҳоланади. Анъанамизда, ҳатто шарнат аҳкомларида “Сукут – аломати ризо” этик-эстетик тамойили ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам сўзсиз мулоқотнинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши лозим. Ёзувчи Тилаволди Жўраевнинг “Шароит” номли ҳикоясига эътибор қаратсак:

... машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло араз, гина, ўпка, таъна, маломат сукути эмасди. Бу сукут – роз сукути эди... (Жўраев Т. Қишлоқликлар, 15-б.)

Мулоқот кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз – новербал воситалар (имо-ишора, ҳар-хил белги, нишона, рамз, символлар) орқали ахборот бериш билан боғлиқ бўлиб, бир-бирини таъсирига кўра вербал ёки новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади.

Халқда: “Гапирсанг – гапингга қулсан, гапирмасанг – қиролсан” деган мақол бежизга айтилмаган. Сукутда ҳикмат кўп. У инсон ички нутқнинг воқеланиш шакли ҳамдир. Бу борада мисолларга мурожаат этамиз. Жумладан,

ички иккиланиш маъносида: *Болохонадаги йигитнинг «Бек акам жанозага кетганлар» дейиши юрагидаги хавотир учқунини ўт олдирди.*

–Кимнинг жанозаси?– деб сўради овози титраб.

Йигит «бу шумхабарни айтиш мумкинми ё йўқми?» деган мулоҳазада сукут сақлади. Аслида у «Бек акам йўғидилар-а», деб гапни қисқа қилмоғи жоиз эди. Хаёли қутилмаган фожиа билан банд бўлгани учун беихтиёр равишда «жанозага кетганлар» деб юборган эди. (Т.Малик. Шайтанат.4-китоб. Т., 2008. 4-б.);

сўзсиз тасдиқ маъносида: Персонажнинг сукут сақлаши савол берувчининг сўроғи маъзидаги маънони тасдиқлаб туради.

–Кимнинг жанозаси?–деб қайта сўради Манзура.

–Маҳмуд акамники, – деди йигит бир оз довдираган ҳолда.

–Қайси Маҳмуд? – Манзура «Қайси Маҳмуд» эканини англаган бўлса-да, «ишқилиб мен танимайдиган бошиқа одам бўлсин», деган илинжда қайта сўради. Йигитнинг навбатдаги сукути бу илинжга қувват бергандай бўлиб, сўнг эса гитпа бўғиб қўя қолди: Чувриндининг фожияси ҳақидаги шумхабар ҳушини олди. (Т.Малик. Шайтанат.4-китоб. Т., 2008. 4-б.)

“эшитганларингни мулоҳаза эт” маъносида: Одатда, сукутда жимликдан аввал гапирилган гапларни, билдирилган мулоҳазаларни “ҳазм қил”, “мағзини чақ” деган мазмун ҳам зоҳир бўлади. Масалан,

Моштабиб «Бу ҳикматларнинг маъносини қалбингизга сингдириб олишингиз учун фурсат бераман», дегандай сўздан тўхтади. Бу сукут Зоҳидга асқотди. У айрим издиҳомларда, баъзан ёши улугларнинг суҳбатларида шунга ўхшаш ҳикматларни эшитиб қолар, бироқ, «Яхши гап экан», демоқликдан нарига ўтмасди. (Т.Малик. Шайтанат.4-китоб. Т., 2008. 100-б.)

“ҳаяжонини босиб олмоқ” маъносида: Одатда, сўзловчи тингловчи билан мулоқотга киришиш олдиан сукут сақлайди. Суҳбатдошнинг мулоқот жараёнига тайёр бўлишини кутади.

Сўрайдиганингизни сўранг. Зоҳид, прокуратура терговчиси, гўмондаги шахсдан «сўранг» деган ижозатни олса-да, дарров сўроққа тутмади. «Заритова ҳаяжонини босиб олсин», деб сукут сақлади, худди савол ахтараётгандай кўрсаткич бармоғи билан чаккасини силади. Заритовага бу сукут ёқмай «сўрамайсизми?» деган маънода тикилгач, Зоҳид дастлабки саволини берди... (Т.Малик. Шайтанат.4-китоб. Т., 2008. 184-б.)

суҳбатни учинчи кишидан яширин сақлаш маъносида: Бунда, одатда, суҳбатдошлар мулоқотига ноҳос аралашиб қолган кейинги кишига суҳбат мазмунини тегишли деб ҳисобламаслик, ундан сир тутиш, баъзан учинчи кишини суҳбат мазмунидан асраш ёки айтилаётган гапларнинг четга чиқишини истамаслик каби маънолар сукут орқали ифодаланади.

–Сезиши нима экан, кўриб-билганман. Сизни ўйласам ҳукамолардан мерос бир ривоят ёдимга тушаверади. Буни сиз биларсиз, ўрни келиб қолди, бу иниларимизга ибрат сифатида айтайин. Абдураҳмон табибнинг набираси дастурхон, катта патнисда мева-чева қўтариб киргани учун бир оз **сукут** сақланди. (Т.Малик. Шайтанат.4-китоб. Т., 2008. 184-б.)

қаттиқ ранжиши маъносида: Бирор воқеа-ходисадан ёки кишилардан қаттиқ ранжиш оқибатида сукут сақлаш назарда тутилади. Баъзан бундай сукут бир умр давом этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат, кўпинча, инсон ўзини мағлуб сезганда, интилган нарсасига етиш учун ўзида имкон топмаганда ёки ўзини иложсиз ҳис этганда, бирор нарсадан ёки “яқини” деб ҳисоблаганидан буткул воз кечганда рўй беради.

Мен сендан интизор мактублар кутдим,

Ёзмадинг, бунчалар оғир бу сукут.

Самарқанднинг узун хотирларидан...

Наҳот қувилганман, бўлганман унут.

Ёзмадинг. Самарқанд боғларида жим,

Кузнинг хаёллари ётарму маҳзун.

Таниш дарвозанинг тутқичларига

Дардаки термуларми менсиз қолган кун. (Ҳ.Ахмедова шеърдан)

Аслида, сукут қилган хотиржам, деб ўйлайсизми? Сукут учун сарфланган куч гапиришга сарфланган кучдан анча кўп бўлади. Сукут билан жазоланиш – энг оғир жазо.

қаттиқ танқид маъносида: Ч.Бакстон шундай ёзади: “Баъзан сукут ҳам энг қаттиқ танқид ўрнига ўтади”. Шунингдек, нафратли сукутдан ортиқ хўрловчи жавоб бўлмайди. Масалан,

Отабек бу чўлтоқ сунургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади. Ул бундан сўнги кўргулигини тамом маъноси билан онглаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтурушидан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Муслмонқулга маънолик бир жавобни ифода қилар эди.

Чиндаи ҳам Муслмонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка қўтарилар экан бақирди:

– Нега жавоб бермайсан?! (А.Қодирий. Ўткан кунлар. Т., 1994. 123-б.)

сукут – кучли андиша белгиси: Ўзбекона тарбия, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, баъзан ноҳақ бўлишса-да, ота-онага гап қайтармаслик – сукут сақлаш кучли андиша белгисини ифодалайди.

Отабек ҳамон сукутда, а Ўзбек ойим бўлса боши билан "шундоғ" ишорасини берар эди. Юсуфбек ҳожи юқорида ўткан гапларни қуруқ ва асосиз сўзламаган, балки шу турмушнинг руҳи ва асосини бир даража айтиб ўткан, Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўғли бўлиб эшиткан эди. Тўғриси ҳам ул دادаси томонидан сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлган кучка молик эмас; бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди. (А.Қодирий. Ўткан кунлар. Т., 1994. 136-б.)

Баъзан сўзловчи тингловчилар унга хайрихоҳ эмаслигини сезганда ҳам сукут сақлайди. Зеро, бундай шароитда «сукут ҳар қандай гапдан ҳам маъноли бўлади». (Монтескье)

Ҳожи сукут қилди, ўзининг шунчалик гапларини ҳавога кетиб турганини, мажлисининг Ниёз қушбеги руҳида борганлигини яшии сезди. Мундан бошқа Ниёз қушбегининг бундай бир фикрга келиши учун уни нима мажбур қилган – буни ҳам очиқ онглади. (А.Қодирий. Ўткан кунлар. Т., 1994. 275-б.)

Хулоса. Нутқий мулоқотда лисоний бирлик ва унинг турли ҳамроҳлари – жуда кўп ҳолларда моҳиятан нолисоний бирликлар – биргаликда, маълум бир мақсадга эришиш учун қўлланилишини юқоридаги мисолларда сукут орқали кўриб ўтдик. Гарчи нолисоний бирликларнинг миқдори ва тури лисоний бирликлардан кўп бўлса ҳам, барибир лисоний бирлик марказда туради, шунинг учун нутқий мулоқот таркибий қисмларини ўрганувчи турли фанлар ичида тилшунослик фанининг ҳиссаси кўпроқ ва етакчидир – мулоқот лисоний бирликнинг амалий қўлланилиши ва унинг самарасидир.

Кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, *сукутда ички нутқнинг юзга яқин маънолари воқеланади.* Шундай экан, сукут бирлигига ўта мураккаб, ўзига хос ситуативлик (онийлик), муайян коммуникантлар, замон ва макон, нутқий шарт-шароит, вазият, мақсад, истак, сабаб ва оқибат билан узвий боғланган ўта қисқа бир замонда содир бўладиган прагматик система ҳисобланган нутқий мулоқотнинг асосий таркибларидан бири сифатида қаралиши тўғри йўлдир.

Адабиётлар:

1. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. – Buxoro: Durdona, 2021.–555 b.
2. Tafakkur gulshani/ V.Vorontsov kompozitsiyasi/ Sh.Abdurazzoqova tarjimasini. –T.: G‘.G‘ulom, 1989.–274 b.
3. Юлдашева Дилором. Роль молчания в речи// Образование и инновационные исследования. № 1 (2020). <https://interscience.uz/index.php/home/article/view/31>
4. Юлдашева Д. Н. Сукут нуткий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3. www.tadqiqot.uz
5. Юлдашева Дилором Нигматовна. Сукут – нуткий алоқа компоненти. НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ 2021 йил 7-сон. – 407-414-б.
6. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna, Gulchekhra Toshpulot qizi Chullieva. The role of nonverbal means in speech meaning. International Engineering Journal For Research & Development, Vol.6, Issue 2 published May 16, 2021. – Pag.1956-1961. www.iejrd.com
<http://www.iejrd.com/index.php/%20/article/view/1956>
7. <http://library.ziyonet.uz/ru/book/119112>.